

Дунё гўзали ҳижобда



19:30 / 26.11.2021 2156

2015-йилда «Дунё гўзали» унвонини қўлга киритган Пиа Вурцбах Саудия Арабистонига ташриф буюрди.

Олти йил олдин дунёнинг энг гўзал аёли сифатида тан олинган Пиа Вурцбах мусулмон давлатига келганида бошига рўмол ўраб, абая кийди. Модель ижтимоий тармоқларда муслима аёл қиёфасида кўриниш берди.

Ҳижоб сурати остида Вурцбах шундай изоҳ ёзиб қолдирган: «Сабаҳ ал-хайр (хайрли тонг). Бу ерда биринчи марта бўлишим ва мамлакатга келганимдан бахтиёрман».

Ижтимоий тармоқ обуначилари дунё гўзалининг янги камтарона қиёфасини юқори баҳоладилар ва шарҳларда кўплаб мақтовлар қолдирдилар